

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12/2019.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВА БАХОР БАХТИЯРОВНА

***PORTULACA OLERACEA* VA *ALCEA ROSEA* ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРИДАН ПЕКТИН САҚЛОВЧИ
ПОЛИСАХАРИДЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Content of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)****Хакимова Бахор Бахтияровна***Portulaca oleracea* va *Alcea rosea* доривор

ўсимликларидан пектин сақловчи

полисахаридлар олиш технологияси 3

Хакимова Бахор Бахтияровна

Технология получения пектиносодержащих

полисахаридов из лекарственных растений

Portulaca oleracea и *Alcea rosea* 21**Khakimova Bakhor**

Technology for obtaining pectin-containing

polysaccharides from medicinal plants

Portulaca oleracea and *Alcea rosea*..... 39**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12/2019.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАКИМОВА БАХОР БАХТИЯРОВНА

***PORTULACA OLERACEA* VA *ALCEA ROSEA* ДОРИВОР
ЎСИМЛИКЛАРИДАН ПЕКТИН САҚЛОВЧИ
ПОЛИСАХАРИДЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Т4616 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Атхамова Саида Қудусовна
кимё фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Додаев Қўчқор Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Маликова Мавжуда Хафизовна
кимё фанлари номзоди, к.и.х.

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг «17» 12. 2024 йил соат 9.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№882 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.:(99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2024 йил «28»11 куни тарқатилди.
(2024 йил «28» 11. даги № 482 рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., академик

Х.И. Қодиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Қ.П.Серкаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда дунё аҳолисини тўлақонли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлаш озиқ-овқат саноатининг устувор вазифаларидандир. Иқтисодиёт, хусусан, қишлоқ хўжалиги ривожда таркиби пектинга бой экинлар алоҳида ўрин тутиши ҳамда аҳолини қисқа муддатларда сифатли, озуқавий қиймати юқори бўлган консерва ва қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш, ушбу маҳсулотларни ассортиментларини кенгайтириш бугуни кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда аҳолини ўсимлик хомашёсидан олинадиган кўп функцияли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада пектинли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ноанъанавий хомашёлардан фойдаланиш, улардан пектин маҳсулотларини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, озуқавий хавфсизлиги, биологик қийматини ошириш, консерва ва қандолат маҳсулотлари тайёрлаш жараёнини интенсификациялаш, «соғлом овқатланиш» маҳсулотларини олиш технологияларини ишлаб чиқишда хомашё ресурсларидан рационал равишда фойдаланиб, маҳсулотнинг таннархини камайтириш йўналишларидаги илмий-тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат саноатида ноанъанавий ўсимлик хом ашёсидан фойдаланиш, соғлиқ учун хавфсиз, импорт ўрнини босувчи янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш борасида назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустақкамлаш, экологик тоза, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, пектинли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири ноанъанавий манбаалар ҳисобига хомашё базасини кенгайтириш, пектин маҳсулотлари олишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш, семизўт ва гулхайри ўсимликларини қайта ишлаб, махсус функционал хусусиятларга эга янги турдаги маҳсулотлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йилнинг 9 сентябридаги ПҚ-4821 сонли «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ва аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2024 йил 16 февралдаги ПФ-36 сонли «Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қўшимча чора-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

тадбирлари тўғрисида»ги фармон ва қарорлари, шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий-техник адабиётларида озиқ-овқат соҳасида пектин ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича кўплаб маълумотлар мавжуд. Ушбу йўналишдаги назарий ва амалий билимларни тўпланишида хорижий олимлардан Л.В. Донченко, Ю.С. Оводов, Л.Ю. Калайсиди, С.Т. Минзанова, М.Ю. Кукин, Д.Р. Созаева, Н.В. Сокол, А.С. Грабишин, Н.В. Цугленок, Л.В. Сосновский, В.Н. Голубев, З.Н. Хатко, А.Т. Насери ва бошқалар, республикамизда С.К. Атхамова, Р.К. Раҳманбердиева, М.Х. Маликова, Х.Т. Саломов, С.Х. Абдураззакова, Қ.О. Додаев, Б.Б. Холдоров, Н.Ш. Мўминов, Ф.А. Кадиралиева ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар.

Улар томонидан пектиннинг тузилиши ва хоссалари ўрганилган, табиий ўсимлик хом ашёлари асосида консерва ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиялари такомиллаштирилган, ноанъанавий хомашё ва кўшимчаларнинг тайёр маҳсулотларнинг органолептик, физик-кимёвий, микробиологик хоссаларига таъсири баҳоланган ҳамда озуқавийлик қиймати ва сифати тадқиқ этилган.

Шу билан бирга пектинларни ноанъавий хомашёлардан самарали ажратиб олиш, дастлабки хомашёга махсус ишлов бериш йўли билан биологик қийматини ошириш, функционал хусусиятлари оширилган консерва ва қандолат маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи контаминант моддаларнинг мавжудлигини тадқиқ қилиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Урганч Давлат Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №142-12-0-F/22 «Маҳаллий қовун навларини қайта ишлаш орқали янги турдаги маҳсулотларни олиш технологиясини жорий этиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Portulaca oleracea* (семизўт) ва *Alcea rosea* (гулхайри) ўсимликларидан пектин полисахаридларини олиш технологиясини яратиш ва функционал озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Portulaca oleracea ва *Alcea rosea* ўсимликларидан пектин

полисахаридлари олиш имкониятларини аниқлаш;

ушбу ўсимликлардан пектин полисахаридлари олишнинг оптимал шароитларини (рН, ҳарорат, жараён давомийлиги) тадқиқ этиш;

пектин полисахаридлари кукунини ва пектин сақловчи концентрат олиш технологияларини ишлаб чиқиш;

олинган пектин моддаларининг молекуляр оғирлиги, моносахарид таркиби, этерификация даражаси, ИҚ-спектроскопик таҳлили, нисбий қовушқоқлиги, кул миқдори, намлиги, минерал моддалар таркиби, ацетил ва метоксил гуруҳлари каби физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш;

семизўтдан олинган пектин сақловчи концентрат қўшиб, қолипни нон ишлаб чиқариш рецептини яратиш;

гулхайри гулбаргларида ажратилган кукунсимон пектинни қўшиб джем тайёрлаш рецептини ишлаб чиқиш;

ишланмани корхонада қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти маҳаллий шароитларда ўсувчи *Portulaca oleracea* ва *Alcea rosea* ўсимликлари, пектин, қолипни нон ва джем рецептлари.

Тадқиқотнинг предмети *Portulaca oleracea* ва *Alcea rosea* ўсимликларидан пектин полисахаридлари ажратиб олишнинг технологик жараёни ва унинг кечиш қонуниятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда пектин полисахаридлари кислотали гидролиз билан ажратилган бўлиб, урон кислоталарининг таркиби ФЭК-56М қурилмасида колориметрик, этерификация даражаси титрометрик, моносахаридлар таркиби қоғоз хроматографияси, макро-, микроэлементлар ва оғир металллар Avio-200 ИСП-ОЕС атом эмиссия спектрометри, молекуляр оғирлигини юқори самарали суюқлик хроматография (ЮССХ) усулларида аниқланган ва хомашё, яримфабрикат ва тайёр маҳсулот хоссаларини аниқлашнинг умумқабул қилинган ва махсус органолептик, физик-кимёвий, реологик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

семизўт ва гулхайри гулбаргларида илк бора пектин полисахаридлари кукун ва концентрат ҳолида ажратиб олинган;

семизўт ва гулхайри гулбаргларида олинувчи полисахаридларининг сифатига кислота тури, концентрацияси, рН-, ҳарорат ва экстракция жараёни давомийлиги таъсири исботланган;

семизўтдан экстракциялаш билан рН 2,7, 40 - 45 °С ҳарорат, 1,0 - 1,5 соат давомийлиги ва 1:5 гидромодулда 64 % урон кислотали пектин ажралиши исботланган;

гулхайри гулбаргларида, рН муҳити 3,0, ҳарорати 70 °С, давомийлиги 2,5 соат ва гидромодул 1:10 пектин олиниб, урон кислоталар 68,0 %ни ташкил этувчи, 19,1 % унум билан пектин полисахаридлари ажралиши асосланган;

Portulaca oleracea (семизўт) ва *Alcea rosea* (гулхайри) ўсимликларидан олинган пектин полисахаридларининг озик - овқат маҳсулотлари таркибида биологик фаол бойитувчи қўшимчалиги исботланган;

Portulaca oleracea (семизўт) ва *Alcea rosea* (гулхайри) ўсимликларидан пектин полисахаридлари кукуни ва концентрати ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Portulaca oleracea ва *Alcea rosea* ўсимликларидан пектин кукуни ва концентрати олишнинг мақбул параметрлари аниқланган;

янги турдаги хомашёлардан пектин полисахариди кукуни ва пектин сақловчи концентрат олиш технологияси ишлаб чиқилган;

пектин сақловчи концентрат қўшилган қолипли нон ва пектин кукуни қўшилган малинали джем рецептлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Натижаларни таҳлил қилишда замонавий физик-кимёвий ва биокимёвий таҳлил усуллари қўлланилганлиги, озукавий қўшимча сифатида маҳаллий *Portulaca oleracea* ва *Alcea rosea* ўсимликларидан фойдаланган ҳолда консерва ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича муаллиф томонидан ишлаб чиқилган технологиянинг ишлаб чиқариш апробациясидан ўтказиш натижаларига кўра назарий ва тажриба маълумотларининг мос келиши билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори озукавий ва биологик қийматли консерва ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда истиқболли *Portulaca oleracea* ва *Alcea rosea* ўсимликларидан фойдаланганда озик-овқат маҳсулотининг озикавий, биологик ва энергетик қийматининг маълум қонуният асосида ошиши илмий асослангани ва тажрибалар билан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулот чиқишини ошириш, унинг таннархини пасайтириш, натижада ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ва рақобатбардошлигини оширишга имкон берувчи пектин полисахаридлари ва бошқа функционал озик-овқат қўшимчаси билан бойитилган консерва ва нон маҳсулотлари ассортиментининг кенгайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Portulaca oleracea* (семизўт) ва *Alcea rosea* (гулхайри) гулбаргларида пектин полисахаридлари олиш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: *Portulaca oleracea* (семизўт) ва *Alcea rosea* (гулхайри) гулбаргидан пектин кукуни ишлаб чиқариш технологияси Ўзбекистон озик-овқат саноати уюшмасининг «2024-2029 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон озик-овқат саноати уюшмасининг 2024 йилнинг 24 майдаги 24-51/05-24-сон маълумотномаси). Натижада, 19,1 %-гача унум билан таркибида 68,0 % урон кислоталари бўлган пектин полисахаридлари ишлаб чиқариш имконини беради;

Portulaca oleracea (семизўт) ва *Alcea rosea* (гулхайри) ўсимликларидан олинган пектин сақловчи концентратни функционал овқатланиш учун нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўллаш технологияси Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг «2024-2029 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон озиқ-овқат саноати уюшмасининг 2024 йилнинг 24 майдаги 24-51/05-24-сон маълумотномаси). Натижада, функционал овқатланиш учун пектин билан бойитилган қолипни нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган, шунингдек, 1 та ихтро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 115 бетда 21 жадвал ва 28 расмлардан фойдаланган ҳолда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметининг хусусиятлари, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган, шунингдек, натижаларни ишлаб чиқаришда қўллаш даражаси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Пектин полисахаридларини ишлаб чиқариш технологиясининг таҳлилий шарҳи»** деб номланган **биринчи** бобида дунёда пектин полисахаридлари ишлаб чиқаришининг ҳолати, пектин ажратиб олишнинг мавжуд технологиялари, маҳсулотни миқдори ва сифатини оширишга қаратилган истиқболли йўналишлар, пектин полисахаридларининг даволовчи хусусиятлари, озиқ-овқат саноатида қўлланилиш соҳалари ва мавжуд имкониятлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Адабиётлар таҳлилида келтирилган маълумотларга янгича ёндашув орқали мазкур тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Хомашё ва тайёр маҳсулот сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган **иккинчи** бобида семиз ўт ва гулхайри ўсимликларининг фойдаланиш соҳалари, уларнинг ўрганилганлик даражаси, улардан олинган полисахаридларнинг

фойдали хусусиятлари ҳозирги замон ва халқ табобатида қўлланиши хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар адабиётлари асосида ўрганилган. Изланишларда фойдаланилган замонавий тадқиқот усуллари, ускуналар ва қўлланилган услублар, меёрий ҳужжатлар талаблари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пектин полисахаридларини ажратиб олиш, уларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш, нон ва джем тайёрлашда қўллаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида пектин полисахаридлари ажратиб олишнинг мақбул шароитлари назарий ва тажрибавий тадқиқотлар йўли билан ишлаб чиқилган. Пектин полисахаридлари ажратиб олишнинг вақтга, ҳароратга ва кислота муҳити ва турига боғлиқлиги ўрганилган. Пектин таркибидаги урон кислоталари миқдори гидролиз жараёнида қўлланиладиган кислотанинг тури ва концентрациясига боғлиқлиги аниқланган. Ажратиб олинган пектин моддаларининг физик кимёвий кўрсаткичлари - моносахаридларнинг миқдорий ва сифат таркиби, намлик миқдори, кул миқдори, қовушқоқлиги, молекуляр массаси, этерификация даражаси, пектин полисахаридлари таркибидаги минерал ва оғир металллар миқдори каби кўрсаткичлар аниқланган. Семизўтдан ва гулхайри гулбаргаларидан пектин полисахаридлари (ПП) ажратиб олиш жараёнига ҳароратнинг таъсири 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалдан кўришиб турибдики жараён 45°C ҳароратда лимон кислотаси ёрдамида олиб борилганда хлорид кислотага нисбатан кўпроқ пектин ажралиши кузатилди. Жараён давомида ҳароратнинг ортиши семизўтдан пектин моддасини ажралишини камайишига олиб келди. Гулхайри гулбаргаларидан лимон ва хлорид кислоталари ёрдамида пектин полисахаридлари ажратиб олиш учун мақбул ҳарорат 70°C ни ташкил этди. Жараён ҳароратинининг ортиб бориши натижасида хомашёдан пектин моддасини ажралишини камайи кузатилди.

1-жадвал

Семизўт ва гулхайри гулбаргаларидан пектин полисахаридлари (ПП) ажратиб олиш жараёнига ҳароратнинг боғлиқлиги

Объект	Ҳарорат, °C	Экстракция унуми, %	
		лимон кислотали	хлорид кислотали
Семизўт: жараён давомийлиги -1,5 соат; рН муҳити - 2,7; гидромодул -1:5	30	3,8	3,3
	40	3,9	3,5
	45	4,0	3,6
	55	3,8	3,6
	65	3,7	2,9
	75	2,8	2,6
	80	1,5	1,1
Гулхайри гулбарги: жараён давомийлиги -2,5-3,0 соат; рН муҳити – 3,0;	30	12,6	13,6
	40	16,1	16,8
	50	17,4	18,8
	65	18,8	19,3

гидромодул -1:10	70	19,1	19,7
	75	18,5	19,2
	90	11,1	12,5

Семизўт ва гулхайри гулбаргларида пектин полисахаридлари (ПП) ажратиб олиш жараёнига вақтнинг таъсири 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Семизўт ва гулхайри гулбаргларида пектин полисахаридлари (ПП)
ажратиб олиш жараёнига вақтнинг боғлиқлиги**

Объект	Вақт, соат	Экстракция унуми, %	
		лимон кислотали	хлорид кислотали
Семизўт: ҳарорат – 40-45°C; рН муҳити - 2,7; гидромодул -1:5	1,0	4,00	3,55
	1,5	4,00	3,60
	2,0	4,00	3,60
	2,5	4,00	3,60
	3,0	4,00	3,55
	3,5	3,95	3,55
	4,0	3,90	3,50
	4,5	3,90	3,45
	5,0	3,85	3,45
Гулхайри гулбарги: ҳарорат – 70°C; рН муҳити – 3,0; гидромодул -1:10	1,0	16,60	16,90
	1,5	17,60	17,70
	2,0	18,00	18,60
	2,5	19,10	19,30
	3,0	19,10	19,70
	3,5	19,10	19,60
	4,0	19,00	19,60
	4,5	18,90	19,40
	5,0	18,80	19,20

2-жадвалдан кўриниб турганидек вақт семизўтдан пектин чиқишига унчалик катта таъсир қилмайди, хлорид кислотасида 1,5-2,5 соат вақт оралиғида лимон кислотасида 1,0-3,0 соат вақт оралиғида пектин чиқиши оптимал миқдорга эришади. Гулхайри гулбаргини хлорид ва лимон кислоталарида экстракция қилинганда пектин чиқиши 2,5-3,0 соатни ташкил этади. Аниқланишича семизўт ва гулхайри гулбаргларида пектин полисахаридлари чиқишига экстракция жараёнининг давомийлигини узайтирилиши катта таъсир кўрсатмайди.

Кейинги тадқиқотларимизда юқоридаги хом ашёлардан пектин полисахаридлари ҳамда урон кислоталари чиқишига жараёнда қўлланаётган кислоталар ҳосил қилган рН муҳитини таъсир кўрсатади. Пектиннинг характерли кўрсаткичларидан бири бу - унинг таркибидаги урон кислоталарининг миқдори. ЖСС (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) озиқ-овқат қўшимчалари бўйича қўшма эксперт кўмитаси, талабига кўра, урон кислоталарининг пектин таркибида миқдори камида 65% бўлиши керак. Шунинг учун биз кислота концентрациясининг урон кислоталари чиқишига таъсирини ўргандик. Экстракция жараёни турли кислотали (лимон ва

хлорид) муҳитда амалга оширилди. Натижалар 3- ва 4-жадвалларда келтирилган.

3- жадвал.

Семизўтдан пектин полисахаридлари (ПП) чиқишида рН муҳитининг урон кислоталари миқдорига таъсири

Кислота тури	рН	ПП унуми, %	Урон кислоталари миқдори, %
Хлорид кислотаси: гидромодул-1:5; жараён давомийлиги – 1,0-1,5 соат	1,8	4,7	51,0
	2,0	4,4	52,5
	2,1	4,1	53,0
	2,3	4,0	53,8
	2,5	3,8	56,0
	2,7	3,6	60,0
	3,0	3,4	62,0
Лимон кислотаси: Гидромодул-1:5; жараён давомийлиги – 1,0-1,5 соат	1,8	4,9	55,0
	2,0	4,7	57,7
	2,1	4,5	58,6
	2,3	4,3	59,0
	2,5	4,2	61,0
	2,7	4,0	64,0
	3,0	3,6	62,0

3-жадвал шуни кўрсатадики, кислотанинг юқори концентрациясида пектин таркибидаги урон кислоталарининг миқдори камаяди. Семизўтдан пектин ажралиб чиқишининг оптимал муҳити хлорид кислотада рН=3 ва лимон кислотасида рН=2,7 ни ташкил этади. Лимон кислотасининг рН муҳити 2,7 бўлганда урон кислоталарининг миқдори энг юқори (64%) бўлган сифатли пектин полисахаридлари ажратиб олишга эришилди.

4-жадвал.

Гулхайри гулбаргларида пектин полисахаридлари (ПП) чиқишида рН муҳитининг урон кислоталари миқдорига таъсири


Кислота	рН	ПП унуми %	Урон кислоталари миқдори, %
Хлорид кислотаси: Гидромодул-1:10; жараён давомийлиги – 2,5-3,0 соат	2,0	22,9	57,0
	2,1	22,2	60,6
	2,3	21,7	62,7
	2,6	20,4	64,0
	2,8	20,0	62,0
	3,0	19,7	65,0
	3,2	18,7	64,0
Лимон кислотаси: Гидромодул-1:10; жараён давомийлиги – 2,5-3,0 соат	2,0	22,0	48,1
	2,1	21,5	53,7
	2,3	20,5	59,6
	2,6	19,9	64,2
	2,8	19,5	64,0
	3,0	19,1	68,0
	3,2	17,8	66,0

4-жадвалдан кўриниб турганидек, гулхайридан пектин ажратишда урон кислоталарининг энг мақбул миқдори хлорид ва лимон кислоталарининг мухити рН=3,0 бўлган шароит эканлиги аниқланди.


Семизўтдан пектин полисахаридларини ажратиш олиш жараёнининг мақбул шароити этиб, рН= 2,7 га тенг бўлган лимон кислотаси иштирокида 45°C ҳароратда 1,0-1,5 соат давомида экстракциялаш эканлиги, унум эса 4,0% ни ташкил этиши аниқланди. Лимон кислотаси таъсирида пектин ажратиш олишда галактурон кислотасининг миқдори 64,0% га етди.

Гулхайри гулбаргларида пектин полисахаридлари ажратиш олиш жараёнининг мақбул шароити лимон кислотаси концентрацияси рН=3га тенг бўлганда, 70°C ҳароратда 2,5 соатни ташкил этиб, унум 19,1% га етди ва галактурон кислотаси миқдори 68,0% гача ошди.

Қуйидаги расмларда пектин полисахаридларини ажратиш олишнинг ҳарорат, вақт ва кислоталар концентрациясига таъсири келтирилган (1-6-расмлар).




1-расм. *Portulaca oleracea* хомашёсидан пектин моддасини ажратиш олишжараёнига ҳарорат ва кислоталар таъсири




2-расм. *Alcea rosea* хомашёсидан пектин моддасини ажратиш олишжараёнига ҳарорат ва кислоталар таъсири

1 ва 2-расмлардан кўриниб турибдики, *Portulaca oleracea* лимон кислотаси билан (45 °C ҳароратда) ва *Alcea rosea* хлорид кислотаси ёрдамида (65-70°C) экстракция қилганда пектин полисахаридларининг ажралиб чиқиши юқорилиги кузатилди.




3 расм. *Portulaca oleracea* дан (45°Cда) пектин полисахаридлари ажратиш олишжараёнига вақт ва кислоталарнинг таъсири




4 расм. *Alcea rosea* (70°Cда) пектин полисахаридлари ажратиш олишжараёнига вақт ва кислоталарнинг таъсири

3 ва 4-расмлардан кўриниб турибдики, *Portulaca oleracea* лимон кислотаси билан (45°C ҳароратда) 1-1,5 соат, *Alcea rosea* хлорид кислотаси ёрдамида (70°C) 2,5-3 соат давомида экстракция жараёни олиб борилганда пектин полисахаридларининг ажралиши юқорилиги кузатилди.

Portulaca oleracea лимон кислотаси рН=1,8, *Alcea rosea* эса хлорид кислота рН=2 бўлганда юқори унумга эришилди.



5 расм. *Portulaca oleracea* пектин чиқишида кислота концентрацияси ва турига боғлиқлиги



6 расм. *Alcea rosea* гулбаргларидан пектин чиқишида кислота концентрацияси ва турига боғлиқлиги

5-жадвал

Пектин полисахаридларининг (ПП) этерификация даражаси

Ўсимлик номи	К _о , %	К _э , %	К _у , %	С _э , %	А _ц , %	К _м , %
<i>Portulaca oleracea</i> дан ажратилган ПП (лимон кислотали экстракция)	3,27	27,0	30,27	89,19	0,80	25,6
<i>Portulaca oleracea</i> дан ажратилган ПП (хлорид кислотали экстракция)	1,80	27,0	28,8	93,7	0,95	25,3
<i>Alcea rosea</i> дан ПП (лимон кислотали экстракция)	8,10	19,8	27,9	70,96	0,8	17,9
<i>Alcea rosea</i> дан ажратилган ПП (хлорид кислотали)	12,35	17,65	30,00	58,83	0,91	16,5
29186 ГОСТ буйича А тип пектин	-	-	-	70 ва ундан юқори	-	-
29186 ГОСТ буйича Б тип пектин	-	-	-	67-69	-	-
29186 ГОСТ буйича В тип пектин	-	-	-	66	-	-

К_о-озод карбоксил гуруҳлар; К_э- этерификацияланган карбоксил гуруҳлар; К_у- умумий карбоксил гуруҳларнинг; С_э-этерификация даражаси. А_ц-ацетил гуруҳлари, К_м-метоксил гуруҳлар сони.

5-жадвалдан кўриниб турибдики олинган пектин намуналари юқори этерификация (ЮЭ) даражасига эга, ЮЭ≥50. ГОСТ буйича, ажратиб олинган пектинлар А гуруҳ пектинларига киради. Ацетил гуруҳлар сони 1 % дан

ошмаслиги керак, тўртта намунаники ҳам 1 дан кичик. Метоксил гурухлари сони 7 % дам кам бўлмаслиги керак, 4 та намунада ҳам 7 % дан юқори чиққанлиги кўриниб турибди.

Олинган пектин намуналарининг моносахарид таркиби газ хроматографияси, молекуляр оғирлиги ЮССХ (юқори самарали суюқлик хроматографияси) ёрдамида ўрганилди. Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6 -жадвал

Portulaca oleracea ва *Alcea rosea* дан ажратилган пектин полисахаридларининг физик кимевий кўрсаткичлари

Ўсимликлар	Молекуляр оғирлиги, кДа	$\eta_{\text{нисбий}}$ пуаз	Намлик %	Моносахарид таркиби						UAc
				Gal	Glc	Ara	Man	Xyl	Rha	
<i>Portulaca oleracea</i>	18,5	1,3	8,9	2,3	15,0	2,3	-	1,0	из	+
<i>Alcea rosea</i>	3,1	1,5	8,5	5,5	33,3	7,7	1,0	6,6	1,2	+

6-жадвалда семизўт ўсимлигидан ажратиб олинган пектин полисахаридларининг моносахарид таркибида галактоза, глюкоза, арабиноза, ксилоза ва рамноза излари, шунингдек галактурон кислотаси аниқланди. Гулхайри гулбарглардан ажратиб олинган пектин полисахаридларининг моносахарид таркибида галактоза, глюкоза, арабиноза, манноз, ксилоза, рамноза ва галактурон кислотаси аниқланди. Нисбий қовушқоқлик семизўт пектинида 1,3 пуазга гулхайри пектинида 1,5 пуазга тенг семизўтникидан юқори. Молекуляр оғирлиги семизўт пектинида 18,5 кДа ва гулхайри пектини 3,1 кДага тенг, семизўт пектинида анча кам.

Қуйидаги 7-жадвалда *Portulaca oleracea* ва *Alcea rosea* хомашёларидан ажратиб олинган пектин полисахаридларининг макро ва микроэлемент, оғир металл таркиби келтирилган.

7-жадвал

Portulaca oleracea ва *Alcea rosea* дан ажратилган пектин полисахаридларининг минерал ва оғир металл таркиби

Элементлар	<i>Portulaca oleracea</i> III кукуни	<i>Portulaca oleracea</i> III концентрати	III кукуни <i>Alcea rosea</i>	III концентрати <i>Alcea rosea</i>
	мг\кг		мг\кг	
	1	2	3	4
Макроэлементлар: калий (K)	16629,47	5396,28	5774,92	3453,71
Кальций (Ca)	6926,0	165,0	18120,0	2936,0
Натрий (Na)	1782,2	509,8	292,5	57,7
Фосфор (P)	3678,2	1518,8	5397,9	2557,1
Олтингугурт (S)	9,4	24,8	23,6	301,4
Магний (Mg)	7309,8	1592,3	5839,6	1988,7
7-жадвални давоми				
Микроэлементлар: темир (Fe)	614,7	0	2345,9	0
Рух (Zn)	488,6	41,2	13,6	13,6

Марганец (Mn)	117,6	4,9	81,8	0,3
Мис (Cu)	38,3	5,4	3,0	3,0
Хром (Cr)	2,3	0	5,8	0
Бор (B)	18,2	3,8	20,4	26,6
Литий (Li)	2,6	1,3	2,8	0,8
Барий (Ba)	79,7	5,3	22,4	2,8
Кобальт (Co)	0	0	0,5	0
Кумуш (Ag)	0	0	0	0
Қалай (Sn)	0	0	0	0
Оғир металллар: симоб (Hg)	0	0	0	0
Мишьяк (As)	0	0	0	0
Кўрғошин (Pb)	2,2	0,2	2,7	0,5
Кадмий (Cd)	0	0	0	0
Сурьма (Sb)	0	0,2	0	0,1

7-жадвалда *Portulaca oleracea* ва *Alcea rosea* ўсимликларининг пектин концентрати ва пектин моддасининг таркибида рух, кальций, натрий, калий, марганец, темир, фосфор, олтингугурт ҳаёт учун муҳим макро ва микроэлементлар мавжудлиги аниқланди. Семизўт пектини юқори даражада калийга, натрий, кальций, магний, рух, марганец ва мис, гулхайри пектини эса темир, фосфор ва олтингугуртга бой. Оғир металллар миқдори максимал рухсат этилган концентрация кўрсаткичларидан кам эканлиги аниқланди.

8-жадвал

Озиқ- овқат пектинига қўйилган халқаро талаблар билан семизўт ва гулхайридан олинган пектин полисахаридларининг солиштирма таҳлили

Кўрсаткичлар	ЖЕСФА- Озиқ- овқат пектини учун халқаро талаб	Гулхайри пектинининг кўрсаткичлари	Семизўт пектинининг кўрсаткичлари
Ташқи кўриниши	Чет аралашмаларисиз майда майдаланган кукун.	Чет аралашмаларисиз майда майдаланган кукун.	Чет аралашмаларисиз майда майдаланган кукун.
Таъми	Кучсиз нордон	Кучсиз нордон	Кучсиз нордон
Ҳиди	Ҳидсиз	Ҳидсиз	Ҳидсиз
Ранги	Кул ранг	Оч кулранг	Оч кулранг
Кул миқдори	1 дан кўп эмас	0,9	0,9
Симоб мг/кг	1 дан кўп эмас	0	0
Кўрғошин, мг/кг	10 дан кўп эмас	2,9	2,2
Мишьяк, мг/кг	3 дан кўп эмас	0	0
Кадмий мг/кг	1 дан кўп эмас	0	0
Мис мг/кг	50 дан кўп эмас	10,6	38,3
Урон кислоталар миқдори, %	65 % дан кам эмас	68 %	64 %

ЖЕСФА- (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг озиқ-овқат қўшимчалари бўйича қўшма эксперт қўмитаси)

Стандартларга мувофиқ (8-жадвал) ЖЕСФА бўйича: пектинларда оғир металллар (1 мг/кг): кўрғошин 10 мг/кг, кадмий - 1 мг/кг, симоб - 1 мг/кг дан ошмаслиги керак. Урон кислоталари миқдори 65% дан кам бўлмаслиги керак.

Турли хил концентрациядаги пектинли ноннинг рецепти ва кўрсаткичлари

Хомашё	Намуна	Пектин миқдори, % ун массасига нисбатан			
		0,25	0,5	0,75	1,0
Ун, кг	100	100	100	100	100
Туз, кг	1,3	1,3	1,3	1,3	1,3
Ачитқи, прессланган, кг	1,5	1,5	1,5	1,5	1,5
Сув, г	Ҳисоблар бўйича				
Нон кўрсаткичлари					
Нон мағзи намлиги, %	42	42,5	42,8	43	45
Нон мағзи намлиги, % (24 соат ўтгач)	40	41	42	42	44
Нон мағзи намлиги, % (48 соатдан кн)	37,5	39,5	40,5	40	43
Солиштирма ҳажм, см ³ /100 г	295	320	330	315	310
Мағиз кислоталиги,	2,6	2,65	2,7	2,8	3,0
Ғоваклиги, %	71	74	75	73	72

Пектин концентрацияси ун массасига нисбатан 0,25% дан 1,0% гача қўшиб нон тайёрланди, ҳар хил концентрациядаги пектин нон ғовакликка турлича таъсир кўрсатди 75 % ғовакликка ун оғирлигига нисбатан пектин 0,5% миқдорида қўшилганда эришилди (9-жадвал). Пектин концентрацияси ортиши билан ғоваклиги камайди, органолептик хусусиятлари ёмонлашди. Пектин дозасининг ошиши билан намлик 42,5% дан 45% гача ортади, кислоталик 2,65 дан 3,0 гача ошиши кузатилди. Ноннинг солиштирма ҳажми пектиннинг 0,5% концентрацияси қўшилганда ортди, яъни 330 ни ташкил этди, кейин пектин концентрацияси 1% га оширилганда 310 га камайди. Пектин қўшилган нон билан оддий нон намунаси (назорат) солиштирилганда, солиштирма ҳажми 15% дан 35,0% гача ошди, ғоваклиги 1% дан 4% гача ортди. Пектин концентрацияси 0,75% ва 1,0 % миқдорида оширилганда, ғоваклиги ва солиштирма ҳажми пектин 0,5% дозада қўшилгандагига қараганда камайди.

Лаборатория шароитида малина джеми тайёрланди. Малина, шакар, гулхайри гулбаргидан олинган куруқ пектиннинг 0,2% ва 0,3% концентрацияси олинган. Шакар сиропи ва пектин эритмаси тайёрлаш, шакар сиропи билан мева компонентларини қуйиб, 62-70% куруқ моддагача еказилган, пектин пиширишдан олдин 5-10 дақиқа олдин қўшилади. Саноатда 1 т джем ишлаб чиқариш учун 2-3 кг миқдорда пектин эритмаси қўшилади.


Диссертациянинг «**Илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришда қўллаш. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш**» деб номланган тўртинчи бобида семизўт ва гулхайри гулбаргларида пектин олишнинг технологик схемаси, ушбу ўсимликлардан пектинни олишнинг содалаштирилган технологияси, ажратиб олинган пектин сақловчи концентрат ва пектин кукуни олиш жараёнининг иқтисодий самарадорлиги берилган.

Семизўтнинг ер усти қисмларидан пектин сақловчи концентрат ажратиб олиш. Семизўтнинг ер усти қисмлари хомашё сифатида ишлатилади.

Хомашёни тайёрлаш (саралаш) сув билан (2) 20-25 °С ҳароратда 5-10 мин давомида ювишдан иборат бўлиб, сўнг хомашё 65 %ли этил спиртида 45°С ҳароратда 1 соат давомида қуйи молекуляр бирикмалар ажратиб олинади (3), кейин улар филтрга (4) юборилади, ва 1,5-2 мм (5) да кесилади. Пектин полисахаридларини ажратиб олиш МЗС(6) типдаги зангламайдиган пўлат реакторларда (аралаштиргичлар билан) қуйидаги параметрларда амалга оширилади: ҳарорат 40-45 °С, лимон кислотаси рН 2,7, қаттиқ-суюқ фаза нисбати 1:5, жараён давомийлиги 1-1,5 соат. Аралашма суюқ фазадан ажратилади, филтър прессиға (8) берилади, сувли экстракт қаттиқ фазадан ажратилади ва декантерға (9) ўтказилади. Қуруқ қисми товуклар еми ёки ер учун (торф) тайёрлашда ишлатилиши мумкин.

Кейин босқичда пектин экстракти концентрлаш учун насос (10) орқали (11) вакуумли буғлатгичға узатилади. Бу жараён зангламайдиган пўлатдан ясалган идишларда амалга оширилади, сўнг насос (12) орқали концентрат қадоқлашға ёки кейинги асептик сақлашға юборилади. Сақлаш муддати - 6 ой. Концентратни сорбин кислотаси қўшиб идишларда сақлаш мумкин. Бунинг учун концентратға 80°С ҳароратда, концентрат оғирлиги бўйича 0,1% миқдорида сорбин кислотаси қўшилади. Аралаштириш 10-15 дақиқа давом этади. Шундан сўнг, концентрат 20°С ҳароратгача совутилади ва карбонат ангидрид ёки бошқа инерт газ атмосферасида сақлаш учун юборилади. Концентратни ҳаво ўтказмайдиган шиша идишға иссиқ қуйиш орқали ҳам сақлаш мумкин. Тайёр пектин концентрати пектин миқдори камида 4,9-5,1%, қуруқ моддаларнинг масса улуши 10,2-10,3 % бўлган рангсиз бироз ёпишқоқ суюқликдир.

Гулхайри гулбаргларидан пектин ажратиб олиш. Хомашё сифатида гулхайрининг қуруқ гулбарглари ишлатилади. Хомашёни тайёрлаш: гулбарглар очик ҳавода ёки 55-60 °С ҳароратда қуритгичда қуритилади (1), улардан пектин полисахаридлари ажратиб олиш учун зангламайдиган пўлат реакторға (6), лимон кислота эритмаси (7)дан экстракциялашға юборилади, қаттиқ суюқлик фаза нисбати 1:10, жараён давомийлиги 2,5-3 соат. Аралашма экстракт кисмидан (8) филтрлаш орқали ажратилади, сўнг пектин экстракти насос (10) орқали вакуум буғлатиш жараёниға (11) юборилади, кейин концентрат этил спирти (96%) билан 1:2 нисбатда чўктириш учун чўктириш ваннасиға (13) юборилади, пектин чўкмаси филтрлаб (14) ажратилади. Ишлатилган спирт ректификация (18) учун юборилади, сўнг чўкма вакуум қуритгичға юборилади (15), пектин қуритгандан сўнг (16) майдалаш учун тегирмонға узатилади, тайёр пектин (17) полимер ёки қоғоз идишларға қадоқланиб, сақлашға юборилади.



7- расм. Семизўт ва гулхайридан пектин сақловчи концентрат ва пектин кукуни ишлаб чиқариш технологик линиясининг схемаси.

1- қуригиш ускунаси, 2- ювиш машинаси, 3- ажратиш ваннаси (65-70% этил спирти билан 45⁰ С ҳароратда). 4- филтр, 5- ўсимликни кесиш машинаси, 6- экстрактор, 7-кислога дозатори, 8- филтр пресс, 9-центрифуга, 10,12-насос, 11- вакуум буглагич, 13 пектин чўктириш ваннаси, 14- филтр, 15-вакуум- қуригич, 16- майдалагич, 17- қадоклаш машинаси, 18- ректификация колоннаси.

ХУЛОСА

1. Адабиёт маълумотларига кўра, семизўт ҳамда гулхайри гулидан пектин полисахаридларининг физик-кимёвий хоссалари, пектин ажратиш олиш учун муҳим хомашё эканлиги аниқланган.

2. Семизўтдан пектин полисахаридлари ажратиш жараёнларининг энг оптимал шароити қуйидагидан иборатлиги аниқланган: лимон кислотаси муҳити рН 2,7, температураси 40-45 °С давомийлиги 1-1,5 соат ва гидромодул 1:5. Пектиннинг унуми 4% ни ташкил қилган, айнан шу кўрсаткичларда пектин таркибидаги урон кислотасининг 64% га тенг максимал миқдорига эришилган.

3. Гулхайри гулбаргларида пектин олишнинг энг оптимал варианты аниқланган: лимон кислотаси муҳити рН 3, ҳарорат 70 °С, жараённинг давомийлиги 2,5 соат ва гидромодул 1:10. Пектин полисахаридларининг унуми 19,1 % ни ташкил қилади. Пектин полисахаридларидаги урон кислоталарининг энг максимал кўрсаткичи 68 % айнан шу кўрсаткичларда эришилди.

4. Пектин полисахаридлари (кукун) ва пектин сақловчи концентрат ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган.

5. Ажратиш олинган пектин полисахаридларининг молекуляр оғирлиги, моносахарид таркиби, этерификация даражаси, ИҚ-таҳлили, нисбий қовушқоқлиги, кул миқдори, намлиги, минерал моддалар таркиби, ацетил ва метоксил гуруҳлари каби физик-кимёвий параметрлари ўрганилган.

6. Семизўтдан олинган пектин сақловчи концентрат қўшиб, таркибида (ун массасига нисбатан) 0,5% ли пектинли қолип нон ишлаб чиқариш учун рецепти ишлаб чиқилган.

7. Гулхайри гулбаргларида ажратилган пектин кукуни қўшиб таркибида 0,3 %ли пектинли джем тайёрлаш рецепти ишлаб чиқилган.

8. Ҳисоблар шуни кўрсатганки, семизўт ўсимлигидан олинган 1 кг пектин сақловчи концентратнинг нархи 52 182 сўм бўлиб, Россияда ишлаб чиқилган 1 кг-ининг нархидан 4,88 баробар арзон. (Россиядан ишлаб чиқарилган суюқ цитрус пектинининг 1 кг 1590 руб яъни 254 400 сўм). Импорт қилинган 1 кг пектин кукунининг таннархи 340 минг сўмни ташкил этса, маҳаллий гулхайри гулбаргларида ишлаб чиқарилган пектин кукунининг нархи эса 115 610 сўмни ташкил қилиб, импорт қилинган пектин кукуни нархидан тахминан 3 баробар арзонлиги ҳисобланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.12/2019.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАКИМОВА БАХОР БАХТИЯРОВНА

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ПЕКТИНОСОДЕРЖАЩИХ
ПОЛИСАХАРИДОВ ИЗ ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЙ *PORTULACA
OLERACEA* И *ÁLCEA RÓSEA***

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.2.PhD/T4616

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководители:

Атхамова Саида Кудусовна
кандидат химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Додаев Кучкор Одилевич
доктор технических наук, профессор

Маликова Мавжуда Хафизовна
кандидат химических наук, с.н.с.

Ведущая организация:

Наманганский инженерно-технологический институт

Защита состоится «17» 12. 2024 г. в «9.00» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.04.01 при в Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz. здание Ташкентского химико-технологического института, 2 этаж, актовый зал).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована под номером 882). Адрес: (100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.:(99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «28» 11. 2024 года.
(протокол рассылки № 482 от «28» 11. 2024 г).

С.М. Турабджанов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., академик

Х.И. Кадиров

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

К.П.Серкаев

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность темы. Сегодня обеспечение населения мира полноценной и безопасной продукцией является одной из приоритетных задач пищевой промышленности. В развитии экономики, в частности, особое место занимают культуры, богатые пектинами, а также обеспечение населения качественными консервированными и кондитерскими изделиями, имеющими высокую пищевую ценность. Расширение ассортимента этой продукции приобретает в соответствии с запросами современности.

В мире особое внимание уделяется обеспечению населения многофункциональными продуктами питания, полученными из растительного сырья. В связи с этим, в целях увеличения производства пектиновых пищевых продуктов использование нетрадиционного сырья, разработка новых способов получения из них пектиновых продуктов, повышение их пищевой безопасности и биологической ценности, интенсификация процесса изготовления консервных и кондитерских изделий, рациональное использование сырья при разработке технологий получения продуктов «здорового питания», исследования в области снижения себестоимости продукта становятся все более важными.

В нашей республике достигнуты теоретические и практические результаты по переработке сельскохозяйственной продукции, использованию нетрадиционного растительного сырья в пищевой промышленности, производству новых видов пищевой продукции, безопасной для здоровья и способной заменить импорт. Стратегия развития нового Узбекистана определяет важные задачи «дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, расширения производства экологически чистой, высококачественной продукции, значительного увеличения экспортного потенциала сельского хозяйства»¹. В связи с этим одним из важных направлений увеличения производства пектиновой пищевой продукции является расширение сырьевой базы за счет нетрадиционных источников, разработка новых способов получения пектиновой продукции, развитие технологии получения новых видов продукции с особыми функциональными свойствами путем переработки растений портулака огородного и штокрозы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы», ПП-4821 от 9 сентября 2020 года «О мерах по ускоренному развитию пищевой промышленности республики и полноценному обеспечению населения качественной продовольственной продукцией», УП-36 от 16 февраля 2024 года «О дополнительных мерах по обеспечению продовольственной безопасности в республике», а также задач,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан, от 28.01.2022 г. № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы»

намеченных в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В мировой научно-технической литературе имеется много сведений о производстве и использовании пектина в пищевой промышленности. В сборнике теоретических и практических знаний в этом направлении зарубежные учёные Л.В. Донченко, Ю.С. Оводов, Л.Ю. Калаициди, С.Т. Минзанова, М.Ю. Кукин, Д.Р. Созаева, Н.В. Сокол, А.С. Грабишин, Н.В. Цугленок, Л.Б. Сосновский, В.Н. Голубев, З.Н. Хатько, А.Т. Насери и др., в нашей республике С.К. Атхамова, Р.К. Рахманбердиева, М.Х. Маликова, Х.Т. Саломов, С.Х. Абдуразакова, К.О. Додаев, Б.Б. Халдорев, Н.Ш. Муминов, Ф.А. Кадырильева и другие внесли большой вклад.

Изучены строение и свойства пектина, усовершенствованы технологии производства консервированной и кондитерской продукции на основе натурального растительного сырья, оценено влияние нетрадиционного сырья и добавок на органолептические, физико-химические и микробиологические свойства готовой продукции, также была исследована пищевая ценность и качество.

Одновременно ведутся научные работы по эффективному извлечению пектинов из нетрадиционного сырья, повышению их биологической ценности путем специальной обработки сырья, расширению производства консервированной и кондитерской продукции с повышенными функциональными свойствами, продолжаются исследования на наличие примесей, влияющих на безопасность пищевых продуктов.

Связь диссертационного исследования с тематическим планом научно-исследовательских работ. Работа выполнена в рамках гранта УрГУ согласно приказу хакима Хорезмской области от 12 мая 2022 года № 142-12-0-Ф/22 «Внедрение технологии получения новых видов продукции путем переработки местных сортов дыни».

